



7/4 -23-сон

2023 йил 19 апрель

Жамоатчилик кенгашининг ВМҚ лойиҳасига таклифлари

“Хуқуқий эксперимент доирасида солиқ назорати тадбирларини ташкил этишда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ узилишини аниқлаш ва қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом бўйича:

1. Низомнинг матнида солиқ узилиши коэффициентини аниқлаш формуласини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

2. Лойиҳанинг 3-бандида қуидагиларни акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади:

– солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юбориладиган солиқ узилиши коэффициенти тўғрисидаги ахборотнинг йил мобайнида қанчалик тез-тез ўзгариши;

– солиқ узилиши коэффициенти ўзгарганда солиқ органлари йил мобайнида қанчалик тез-тез текширувлар ўтказиши мумкинлиги.

3. Амалдаги Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда (07.01.2021 й. 1-сон ВМҚга 2-илова) барча турдаги солиқ текширувларини ўтказишида солиқ органларининг асосий вазифалари ва тадбирлари тўлиқ акс эттирилганлиги боис, лойиҳанинг 13-бандини такрорланувчи банд сифатида чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

4. Солиқ органлари солиқ нафи олувчиларни аниқлаганда нафақат ККС, балки фойда солиғини ҳам қўшимча ҳисоблашлари шарт.

5. Солиқ узилиши кўрсаткичидан фойдаланиш бўйича концептуал қоидаларни СҚда акс эттириш мақсадга мувофиқдир, хусусан:

– СҚнинг 266-моддасида “Солиқ узилиши” ва “Солиқ узилиши коэффициенти” тушунчаларини акс эттириш;

– СҚнинг 26 ва 27-моддаларида солиқ органларининг солиқ узилишини қўллаш билан боғлиқ ҳукуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш;

СҚнинг 138, 139, 140-моддаларида солиқ узилиши иштирокчилари бўйича солиқ текширувларини ўтказиш тартибини аниқлаштириш лозим.

Кенгаш раиси

М. Перпер